



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“Qo'qon Biokimyo” AJ** директори

**Д.Н.Ярикулов**

**2024 йил**

**“Qo'qon Biokimyo” AJ тизимида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича 2025 йилга мўлжалланган**

**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

<b>Т/р</b>	<b>Амалга ошириладиган чора-тадбирлар</b>	<b>Амалга ошириш механизми ва босқичлари</b>	<b>Муддат</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
<b>1.</b>	Рақобат қонунчилигига киритилаётган ўзгаришларни ўрганиб бориш, шунингдек, қонунчиликка киритилган ўзгартиришлардан келиб чиқиб, идоравий ҳужжатларни мувофиқлаштириш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиш	Тизимли равишда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришларни ўрганиб бориш. Корхонада рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши мумкин бўлган соҳаларни таҳлил қилиш.	Доимий  Доимий	Монополияга қарши комплаенс тизими бўйича ваколатли шахс
<b>2.</b>	Корхона ходимлари орасида “Монополияга қарши қонунчилик ва унга амал қилиш” мавзусида семинарлар ва мулоқотлар ўтказиш	Корхона ходимлари орасида рақобат қонунчилиги ва унинг бузилиш эҳтимоллари ҳамда унга киритилаётган ўзгаришлар, янгилıklar тўғрисида семинар-тренинг машғулотларини ўтказиш ва ўтказилган тадбирларни ОАВлари ҳамда	Бир йилда камида 2 марта	Монополияга қарши комплаенс тизими бўйича ваколатли шахс

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми ва босқичлари	Муддат	Масъул ижрочилар
		<p>ижтимоий тармоқлар орқали доимий ёритиб бориш.</p> <p>Фаолият давомида ходимларга мунтазам равишда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига амал қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар бериб бориш.</p>	Доимий	
3.	<p>Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш эҳтимоллигини аниқлаш ва баҳолаш</p>	<p>Охириги 3 йил давомида монополияга қарши орган томонидан ўтказилган текширишлар, аниқланган қоидабузарликлар, берилган тақдимномаларни ўрганиш.</p> <p>Корхона ўз устун мавқеини суистеъмол қилиши ва (ёки) рақобатни чеклаши мумкин бўлган ҳолатларни ўрганиш.</p> <p>Ўтказилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида қонунчилик бузилиши мумкин бўлган соҳаларни хавфлар таснифи асосида тақсимлаш ҳамда бу юзасидан монополияга қарши органга ахборот киритиш.</p>	<p>Ҳар йили декабрь ойига қадар</p> <p>Ҳар чоракда</p> <p>Ҳар чоракда</p>	<p>Монополияга қарши комплаенс тизими бўйича ваколатли шахс</p>
4.	<p>Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш</p>	<p>Фаолиятга тегишли <b>материалларни таҳлил қилиш</b> (шу жумладан, рақобатни ва (ёки) истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга қаратилган ички ҳужжатларни хатловдан ўтказиш), аниқланган <b>камчиликларни бартараф</b> этишга йўналтирилган чораларни ишлаб чиқиш.</p> <p>Корхона томонидан чиқариладиган <b>ҳужжатлар</b> (қарор, фармойиш, буйруқ, йиғилиш баёнлари ва бошқалар) <b>лойиҳаларини</b> доимий ўрганиб бориш. Бунда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланган тақдирда, бу ҳақда раҳбарни хабардор қилиш.</p>	Доимий	<p>Монополияга қарши комплаенс тизими бўйича ваколатли шахс</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми ва босқичлари	Муддат	Масъул ижрочилар
		<p>Рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган <b>омилларни аниқлаш</b> ва уларни бартараф этиш бўйича <b>таклифлар</b> ишлаб чиқиш.</p> <p>Корхона томонидан <b>танлов (тендер)</b> ва <b>биржа савдолари</b> ўтказилишида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга ошириш.</p> <p>Корхона (таркибий бўлинмалари) ва бошқа юридик шахслар ўртасида тузиладиган <b>шартномаларни ўрганиб бориш</b>. Бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва энгилликларни асоссиз равишда бериш ҳолатларининг;</li> <li>- айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаш ҳолатларининг;</li> <li>- тил бириктириш ва картел келишувлар содир этилишининг олдини олиш.</li> </ul> <p>Монопол корхона томонидан сотиладиган, улар бўйича ушбу субъектнинг устун мавқеи эътироф этилган товарларга (ишларга, хизматларга) монопол юқори ва монопол паст нархлар ўрнатилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни ўрганиш.</p> <p><b>Иқтисодий концентрацияга</b> оид тузиладиган <b>битимларни</b> назорат қилиш. Бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- хўжалик юритувчи субъектларни <b>қўшиб юбориш ва қўшиб олишга</b> доир битимлар тузилишида;</li> </ul>		

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми ва босқичлари	Муддат	Масъул ижрочилар
		<p>- хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) <b>акцияларни (улушларни) олишга</b> доир битимлар тузилишида монополияга қарши органнинг <b>олдиндан розилиги</b> олинишини назорат қилиб бориш.</p> <p>Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек, уларнинг аффилиланган шахслари ёки хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини <b>ташкил этишда (қайта ташкил этишда)</b> монополияга қарши органнинг <b>олдиндан розилиги</b> олинишини назорат қилиб бориш.</p> <p><b>Инсофсиз рақобат</b> ҳолатларига йўл қўймаслик. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонунчиликка, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш.</p> <p>Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳавфи юқори бўлган корхона таркибий бўлинмалари рўйхатини шакллантириш ҳамда доимий назорат қилиб бориш.</p>		
5.	Улгуржи истеъмолчилар томонидан рақобатни чекловчи ёки жамият устун мавқеини суистеъмол қилиши мумкин	Утказилган урганишлар ва таҳлиллов натижасида қонунчилик бузилиши мумкин булган соҳаларни ҳавфлар таснифи асосида тақсимлаш	Доимий	Монополияга қарши комплаенс тизими буйича ваколатли шахс

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми ва босқичлари	Муддат	Масъул ижрочилар
	булган мурожаатларни урганиш.			
6.	Монополияга қарши қонунчилик бузилишини олдини олиш	Жамият ва улгуржи истеъмолчилар уртасида этил спиртини етказиб бериш тугрисида тузиладиган намунавий шартномаларни тузишда катнашиш		Монополияга қарши комплаенс тизими бўйича ваколатли шахс
7.	Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти юзасидан йиллик ҳисоботни тайёрлаш	<p>1. Монополияга қарши комплаенс бўйича ҳисобот тайёрлаш:</p> <p>рақобат тўғрисидаги қонун бузилиши хавфини баҳолаш натижалари тўғрисида;</p> <p>рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши хавфини камайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисида;</p> <p>монополияга қарши комплаенснинг асосий кўрсаткичларига эришиш тўғрисида;</p> <p>монополияга қарши комплаенс фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш тўғрисида.</p> <p>2. Монополияга қарши комплаенс тўғрисидаги ҳисоботни расмий веб-сайтга жойлаштириш ва монополияга қарши органга юбориш.</p>	<p>Ҳар йили 15 декабрга қадар</p> <p>Ҳар йили 25 декабрга қадар</p>	Монополияга қарши комплаенс тизими бўйича ваколатли шахс
8.	Монополияга қарши курашиш органи билан доимий ахборот алмашинувини амалга ошириш	Монополияга қарши курашиш органи билан электрон почта, телеграм ва расмий веб-сайт орқали янги лойиҳа ва таклифлар бўйича ахборот алмашиш.	Доимий	Монополияга қарши комплаенс тизими бўйича ваколатли шахс
9.	Кейинги йилга мўлжалланган рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича “Йўл харита”сини тасдиқлаш	Бир йилга мўлжалланган рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича “Йўл харита”сини монополияга қарши орган билан келишган ҳолда ишлаб чиқиб тасдиқлаш.	Ҳар йили 25 декабрга қадар	Монополияга қарши комплаенс тизими бўйича ваколатли шахс

**Монополияга қарши комплаенс тизими бўйича ваколатли шахс:**



**Х.И.Хазратов.**